

**ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИДАН ОЗОД
КИЛИНАЁТГАН МАҲКУМЛАРНИ ИЖТИМОЙ
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ ВА АДАПТАЦИЯСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА МОХИЯТИ**

¹Носиров Иззат

**ИИБ Академияси Жазони ижро этиш фаолияти
кафедраси ўқитувчиси**

²Жабборов Турамурад Эркинжон ўғли

ИИБ Академияси курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7478995>

Бугунги кунда жамиятимизда жазони ижро этиш муассасаларида озод қилинган шахслар ўз ўрнини топиш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2018 йил 17 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича амалий чоратadbирлар тўғрисида”ги 543-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий-маиший таъминлаш ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

биринчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштиришга масъул тузилмалар фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларнинг вазифа, функция ва ваколатларини аниқ чегаралаш;

иккинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш, шу жумладан, улар ҳаётининг сифати ва даражасини ошириш;

учинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик ва ижтимоий мослашуви мониторинги тизимини шакллантириш;

тўртинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилиш соҳасидаги ишларни амалга ошириш доирасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш;

бешинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш жараёнига хусусий сектор вакилларини кенг жалб этиш орқали уларга тегишли имтиёзлар беришни назарда

тутувчи давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат-хусусий шерикчилик тизимини ривожлантириш;

олтинчидан, озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларнинг психологик, ижтимоий-маиший таъминот ва иш билан таъминлаш фаолиятини тайёрлаш, прогнозлаш ва режалаштириш;

етинчидан, рецидив ва такрорий жиноятлар сонини камайитиришга қаратилган таъсирчан чоралар кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини кучайтириш.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга оширишнинг тушунчаси англаб олишдан олдин авалло ижтимоий реабилитация ва адаптация сўзларига тариф берсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбек тилиизоҳли луғатида ёзилишича, ижтимоий сўзининг маъноси - бу жамоа, жамиятга оид 1 Инсон ва жамият ҳаётига оид маъноларни англатиб. Ижтимоий тузум. Ижтимоий тараккиёт.- Ижтимоий ишлаб чиқариш. Ижтимоий муносабатлар¹.

Реабилитация [лот. *rehabilitatio* – тиклаш] (тиббиётда) – организмнинг бузилган фаолиятини ва беморлар ҳамда ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклашга қаратилган тиббий, педагогик ва ижтимоий чоратабирлар мажмуи. Оғир касалликлар (миокард инфаркти, инсульт, орқамия шикастланишлари, умуртқа поғонаси ва бўғимларнинг шакли ўзгариши билан кечадиган касалликлари). марказий нерв тизимининг жиддий зарарланишлари, руҳий касалликлар ва бошқа(лар)га учраган беморлар реабилитацияга кўпроқ муҳтож бўладилар.²

Юқоридаги тарифлардан келиб чиқиб фикримизча, ижтимоий реабилитация – бу инсонларнинг маиший ҳаётидаги йўл қўйган хатоларини тузатиш мақсадида тўғри йўлга кириши тушунилади.

Шунингдек адаптация [лот. *adaptatio* – мослашув] – 1) организмнинг турли яшаш шароитларига мослашиши; 2) сезги аъзоларининг ўзига таъсир этадиган қўзғатувчиларга мослашиши натижасида уларда сезгирлик даражасининг ўзгариши (масалан, кўзнинг ёруғлик ёки қоронғиликка мослашуви). Қўзғатувчининг таъсир кучи ўзгариши билан сезгирлик ҳам

¹ Бегматов Э., Мадвалиев А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (электрон манба:

https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20I. Мурожаат вақти: 07.11.2022й)

² Реабилитация. Электрон манба: https://medlife.uz/encyclopedia/r_/reabilitatsiya/?ysclid=la52ps57t898994421. Мурожаат вақти: 06.11.2022 й.

ўзгаради³ деб тариф берилган.

Фикримизча, жазони ижро этиш муассасларида жазони ўтаётган маҳкумларнинг ижтимоий реабилитация ва адаптацияси деганда маҳкумларни жазони ўтаб бўлгандан сўнг қайта жиноят содир этмаслиги учун уларни озодликка мослаштиришдаги чора-тадбирлар йиғиндиси хисобланади.

Бугунги кунда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга оширишнинг мақсади шундаки уларни озодликка чиққанда қўллаб қувватлаш хисобланиб ушбу мақсадни амалга оширишда жазони ижро этиш муассасалари маъмурияти қуйидаги ишларни амалга оширади:

биринчидан, маҳкумларни келгусида жамиятга ижтимоий мослашувини кўзлаб, меҳнат бозоридаги конъюктурани ҳисобга олган ҳолда уларнинг касб-хунарга эга бўлиш истакларини рўёбга чиқариш, касб-хунарга эга бўлишларига кўмаклашиш;

иккинчидан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган маҳкумларнинг жамиятга мослашувчанлигини ошириш;

учинчидан, маҳкумларни касб-хунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш;

туртинчидан, иқтидорли маҳкумларни аниқлаш, уларни келажакда касб-хунарни эгаллашида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

бешинчидан, маҳкумлар орасида ишсизлик даражаси камайтириш, аёллар тадбиркорлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш;

олтинчидан, иш қидираётган ёки ишсиз деб эътироф этилган пробация назоратидаги ва жазо муддатини ўтаб бўлган маҳкумларни касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ҳамда уларнинг малакасини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

етинчидан, маҳкумларни бандлигини таъминлаш орқали улар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш;

саккизинчидан, пробация назоратидаги ва жазо муддатини ўтаб бўлган маҳкумларни муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш;

тўққизинчидан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;

ўнинчидан, маҳкумлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

³ Адаптация. (Электрон манба: <https://medlife.uz/encyclopedia/a/adaptatsiya/?ysclid=la720filpn1303532>. Мурожаат вақти: 07.11.2022й.)

ўн биринчидан, маҳкумлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилган ҳолда пробация назоратидаги маҳкумлар ва жазо муддатини ўтаб бўлган маҳкумлар билан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

ўн иккинчидан, пробация назоратидаги ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг профилактик ҳисобида турган ва уларнинг маъмурий назоратидаги маҳкумларнинг ижтимоий-психологик портретни тузиш орқали улар билан мақсадли ижтимоий мослаштиришга қаратилган ишларни ташкиллаштиришдан иборат⁴.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга оширишнинг моҳияти шундаки Юртимизда қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш ҳисобланиб, қуйидагиларда ўз аксини топади:

биринчидан, маҳкумларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.

иккинчидан, маҳкумларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш.

учинчидан, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш.

тўртинчидан, қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун

⁴ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 26 ноябрда муҳокамага қўйилган “Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва жазо муддатини ўтаб бўлган хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ID-70454 қарор лойиҳаси. (электрон манба: regulation.gov.uz. мурожаат вақти: 07.11.2022й)

қабул қилиш. ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш⁵.

Озодликдан маҳрум қилиш жойидан озод қилинган инсон ҳаётидаги энг қийин босқичдир. У ўзгарган мамлакатнинг замонавий вазиятида қанчалик қатъий ва тўғри йўналтира олиши, муҳитга, уни тўғри ёки қайта жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини шакиллантиради⁶.

Кўпчиликда жамиятдан ажратилган жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаётган маҳкумлар 10-15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижросини таъминлагандан сўнг ҳаётларини деярли нолдан бошлашлари керак бўлади⁷.

Бундан ташқари, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини шакиллантириш мақсадида 15 йилдан ортиқ вақт давомида жазони муддатини ўтагандан сўнг аксарият маҳкумлар ўз ҳаётларини эркин тартибга солишларида қийинчилликка учрайдилар⁸.

Жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясида маҳкумлар психологиясининг хусусиятларига этибор қаратиш лозим, биринчи навбатда, маҳкумларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб уларга психологик ёрдам берган ҳолда уларни озодликка тайёрлаш зарур⁹.

Белгиланган шарт-шароитдаги яшаш, атрофдаги ижтимоий муҳит, махсус талаблардан иборат жазо ўташ режими кабиларга маҳкумнинг мослашиши жазони ижро этиш муассасаларига келиб тушишнинг илк даврларида жуда оғир кечади. Мослашиш шахснинг муайян муҳитга ўзининг хатти-ҳаракатлари билан сингиб кетиши ҳисобланади.

Янги муҳитга мослашув жараёни ижтимоий-психологик механизм туфайли содир бўлади. Бунда шахснинг янги муҳитдаги шарт-шароит ҳамда ўзаро муносабатларга мослашишида унинг фаолиятига

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. (Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5841063> мурожаат вақти: 07.11.2022й.)

⁶ Канаева С. А. Адаптация и реабилитация осужденных //Известия высших учебных заведений. Социология. Экономика. Политика. – 2015. – №. 2. – С. 92-95.

⁷ Гадиев Г. А. Правовые и криминологические аспекты социальной адаптации осужденных-инвалидов : дис. – Рязань, 2005, 2005.

⁸ Мокрецов А. И. Личность осужденного: социальная и психологическая работа с различными категориями лиц, отбывающими наказание. Учебно-методические пособие НИИ ФСИН России / А. И. Мокрецов, В. А. Новиков. – М., 2006. – 220 с.

⁹ Практическое руководство по социальной работе с различной категорией осужденных. – М.: ИД «Юриспруденция», 2008. – 240 с

қўйиладиган турли нормалар ва ўзини тутиш қоидалари ўрганилади. Юқоридаги ҳолатларнинг ҳар бири маҳкумнинг жазони ижро этиш муассасасидаги янги муҳитга ижтимоий-психологик тарз-да мослашув даражасини ифодалайди. Ушбу адаптациянинг якуний натижаси ижобий ёки салбий бўлиши ҳам мумкин¹⁰.

Ижтимоий-психологик мослашув натижаси маҳкумнинг гуруҳ (бригада, туркум) асосида фаолияти ўтадиган жамоага, жазони ижро этиш муассасаси кун тартиби ва режим талабларига, ўтказиладиган тарбиявий тадбирларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиши ҳамда шахсий мақоми (статуси) билан белгиланади.

Мослашув жараёнининг муваффақиятли бўлиши ва бирор натижа чиқишига объектив ва субъектив омиллар мажмуи катта таъсир кўрсатади. Объектив омилларга қўйидагилар киради: маҳкумнинг одатдаги ижтимоий атроф-муҳитдан узоқ муддат ажралган ҳолда бўлиши, муҳитнинг нисбатан доиравий чекланганлиги – ҳаёт тарзининг бир хиллиги ва ижтимоий ахборотнинг танқислиги, кучайтирилган назорат, ҳаёт тарзидаги одатий вақтхушликларнинг йўқлиги, жинсий алоқаларнинг детривацияси, кичик гуруҳларнинг фаолият кўрсатиши шулар жумласидандир. Субъектив омилларга эса жазони ўташга келган янги маҳкумдаги шахсий хусусиятлар ва ижтимоий-психологик муҳит таъсири остида юзага келадиган юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, хавотир, мулоқотнинг етишмаслиги сингари омиллар киради¹¹.

Маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасаси ҳаётига мосла-шувидаги хусусиятларига баҳо бериш мақсадида эксперт баҳолаш услуги, ҳужжатларни таҳлил қилиш, ижтимоий кузатув, маҳкумлардан интервью ва анкета сўровномалари олиш кабилар ўтказилади.

Жазони ижро этиш муассасасининг сақлаш режимига кўра маҳкумларнинг мослашув даври таҳлил қилинганида, қаттиқ ва умумий режимли ЖИЭМдаги маҳкумлар махсус режимдагиларга қараганда ҳаёт тарзига тезроқ мослашиб боришлари ойдинлашди. Умумий режимдаги маҳкумларнинг 50% ва қаттиқ режимдагиларнинг 42% учун мослашув даври 3 ҳафта, махсус тартибли муассасалардаги маҳкумларнинг 28% учун эса 3–4 ҳафта давом этади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи маҳкумларнинг мослашув даври олти

¹⁰ Социальная работа в пенитенциарных учреждениях: Учебное пособие / под ред. А. Н. Сухова. – М.: Московский психологосоциальный институт, 2007. – 300

¹¹ Чигринец Е. А. Социальная адаптация осужденных и реабилитация лиц, освобожденных из мест лишения свободы на современном этапе //Аграрное и земельное право. – 2019. – №. 4 (172). – С. 128-131.

ойдан бир йилгача, ҳатто ундан ҳам кўпроққа чўзилади (бу кўрсаткич умумий режимдаги муассасаларда 10%, қаттиқ режимлида 6%, махсус режимлида эса 13% ни ташкил этади) . Ушбу тоифадагиларга психологик ва шахси бузуқ маҳкумлар киради. Улар оддий санитар-гигиеник талабларга риоя қилмай, одам ўлдирганликлари ёки ёш болаларни зўрлаганликлари учун озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлардир. Муассаса ходимлари уларни тарбиялаш жараёнида алоҳида психолого-педагогик характердаги тадбирлар мажмуидан фойдалансалар, маҳкумларнинг мослашув даври тезроқ кечади.

Жазони ижро этиш муассасасида ҳаёт тарзига тез мослаша олган, лекин тарбиявий таъсирларга эътибор қилмайдиган маҳкумлар қийинчилик туғдирадилар. Уларнинг муассаса ҳаёт тарзига тезроқ мослашуви ўзаро жанжаллар туфайли содир бўлишини алоҳида қайд этиш мумкин.

Ижтимоий-психологик мослашувнинг муваффақиятли бўлиши маҳкумлар гуруҳидаги муносабатларнинг турғун бўлишини таъмин-ловчи энг муҳим омил ҳисобланиб, жазони ижро этиш муассаса-сидаги муҳитга, шахсларни тарбиялашдаги самарадорликка сезиларли таъсир кўрсатади.

Юқоридагилар маҳкумнинг ЖИЭМга келган илк куниданоқ бошланади ва озод бўлганидан сўнг иш билан таъминлангач яқунланади. Шу масалаларни ҳал этиш билан шахсларнинг психологик ҳолати, мослашиш шакли ва даражасини тезкор аниқлаш имконияти юзага келади.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги салбий ҳолатлардан бири айрим маҳкумларнинг шарт-шароит ёхуд жазони ўташ талабларига мослаша олмаслиги бўлиб, бу ҳол реадаптация деб аталади. Янги келган маҳкумлар орасида бундай ўзгаришларни маълум вақт ўтса-да, руҳиятига сингдира олмайдиганлари ҳам учрайди.

Маҳкумларнинг реадаптация (мослаша олмаслик) муаммоси кейинги вақтлардаги махсус адабиётларда синчиковлик билан ёритиб келинмоқда. Муассасага янги келган айрим маҳкумларнинг ундаги шароит ва қонун-қоидаларга мослаша олмаслиги ёки мослашса-да, бу жараённинг қийинчилик билан кечиши сир эмас. В. И. Омигов ҳамда А. И. Канунниклар ўз илмий ишларида дезадаптация (шароитга мослаша олмаслик муаммоси)нинг жиноий-ҳуқуқий, криминологик ва меҳнат орқали тарбиялаш тамойилларини чуқур таҳлил этиб, маҳкумларнинг тоифаларига қараб профилактик чора-тадбирлар ўтказиш тўғрисида таклифлар киритганлар.

Ижтимоий-психологик изоляция, ўзаро мулоқотлардан айрим шахсларнинг қочиши фақат маҳкумларгагина тегишли ҳолат эмас.

Психологларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, ушбу ҳолат катта ва кичик гуруҳларда ҳам бўлиши мумкин. Шу боис жазони ижро этиш муассасаси шароитига мослашмаган маҳкумларнинг пайдо бўлиши қонуният бўлиб қолган.

Озодликда инсон мулоқот қилиш муҳитини хоҳлаганича ўзгартириши мумкин, яъни ўзига ёқмаган кишиларнинг мулоқотидан сақланиш имконияти мавжуд. Озодликдан маҳрум этиш жойларида эса бунинг акси, яъни маҳкум хоҳласа-хоҳламаса шу муҳитда қолиши шарт. Айрим маҳкумлар бундай муҳитга сингиб кетолмайдилар. Натижада атрофдагилар билан муомаласи тўғри келмай қолади. Шу билан бирга, улар муассасанинг режим талаблари ва махсус ўрнатилган тартиб-қоидаларга бўйсунганини хоҳламайдилар. Бу эса маҳкумларни тарбиялаш мобайнида ижобий ўзгаришларнинг юзага келишига тўсқинлик қилади.

Маҳкумларнинг ЖИЭМда мослаша олмаслик сабабларидан яна бири – у ердаги норасмий қоидалар ва меъёрлар. Айни пайтда республикамизнинг жазони ижро этиш муассасаларида бундай қоида ва меъёрлар бартараф этилган бўлсада, бутунлай йўқолиб кетмаган. Шу сабабдан, жазони ижро этиш муассасалари раҳбарияти томонидан бундай иллатларни йўқотиш бўйича муайян чоралар кўрилмоқда. Масалан, профилактик тадбирларни кучайтириш, унга тарбиявий йўл билан ёндашиш, психологик таъсир ўтказиш кабилар шулар жумласидандир. Ҳар қандай йўл билан бўлса-да, норасмий қоида ва меъёрларни бартараф этиш маҳкумлар орасидаги ижтимоий муҳитнинг ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Бу эса мослаша олмаётганлар сонини камайтиради. Бунга эришишда ЖИЭМда рас-ман ўрнатилган тартиб ва қонун-қоидаларнинг маҳкумлар томонидан тўғри қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Уларни маҳкумлар онгига сингдиришдан олдин муассасанинг психолог-тарбиячилари томонидан бунга руҳан мослаштирилиши зарур. Шундагина бу ишлардан юқори самара олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг мослашувига таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш мумкин. Аммо бу жазони ижро этиш муассасасидаги 100% маҳкумларнинг мавжуд шароит ва тартиб-қоидаларга мослашиб кетиши аниқ дегани эмас. Мақсад – ана шундай мослаша олмаганларга нисбатан юқоридаги чоратадбирларни қўллаш орқали таъсир этиш ва уларнинг сонини кескин камайтиришдан иборат.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аксарият маҳкумлар жазони ижро этиш муассасасининг тартиб-қоидалари ҳамда жамоа талабларига риоя

қилишади ва мажбуриятларини онгли равишда бажарадилар. Баъзилари янги муҳитга қийин мослашадилар. Учинчи хилдагилари эса муассаса тартиб-қоидаларини доимо бузиб келадилар. Шунгача маҳкумни тарбиялаш учун уни муассаса фаолияти ва ҳаётига аралаштириб юбориш керак. Агар тарбиячилар маҳкумларнинг жазони ўташ муассасасидаги жамоага сингиб кетишининг ижтимоий-психологик хусусиятларини яхши билсалар, ушбу мақсадга эриша оладилар.

Физиологик нуқтаи назардан қараганда, маҳкумларнинг жамоа билан тез келишиб кетиши ички стереотипнинг қайта кўрилиши билан тавсифланади ва шунга кўра ташқи стереотип ўзгарган бўлади.

Шу боис, юқоридагиларни ҳисобга олиб қуйидаги таклифни беришни жоиз топдик, жумладан, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинаётган маҳкумларни ижтимоий реабилитацияси ва адаптациясини амалга ошириш мақсадида Qushboqov S ва Yetmishboyev Мларининг фикрига тайянган холда аниқ қонунчилик асосини, хусусан Ўзбекистон Республикаси “Озодликдан маҳрум этиш хизматлари тўғрисида”ги қонунни яратиш мақсадга мувофиқдир¹².

References:

1. Бегматов Э., Мадвалиев А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. (электрон манба: https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20I. Мурожаат вақти: 07.11.2022й)
2. Реабилитация. Электрон манба: <https://medlife.uz/encyclopedia/r/reabilitatsiya/?ysclid=la52ps57t898994421>. Мурожаат вақти: 06.11.2022 й.
3. Адаптация. (Электрон манба: <https://medlife.uz/encyclopedia/a/adaptatsiya/?ysclid=la720filpn1303532>. Мурожаат вақти: 07.11.2022й.)
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 26 ноябрда муҳокамага қўйилган “Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган ва жазо муддатини ўтаб бўлган хотин-қизларни меҳнат бозорида рақобатбардош касб-хунар турларига ўқитиш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ID-70454 қарор лойиҳаси. (электрон манба: regulation.gov.uz. мурожаат вақти: 07.11.2022й)

¹² Qushboqov S., Yetmishboyev M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MOHIYATI VA AHAMIYATI. – 2022.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони. (Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5841063> мурожаат вақти: 07.11.2022й.)
6. Канаева С. А. Адаптация и реабилитация осужденных //Известия высших учебных заведений. Социология. Экономика. Политика. – 2015. – №. 2. – С. 92-95.
7. Гадиев Г. А. Правовые и криминологические аспекты социальной адаптации осужденных-инвалидов : дис. – Рязань, 2005, 2005.
8. Мокрецов А. И. Личность осужденного: социальная и психологическая работа с различными категориями лиц, отбывающими наказание. Учебно-методические пособие НИИ ФСИН России / А. И. Мокрецов, В. А. Новиков. – М., 2006. – 220 с.
9. Практическое руководство по социальной работе с различной категорией осужденных. – М.: ИД «Юриспруденция», 2008. – 240 с
10. Социальная работа в пенитенциарных учреждениях: Учебное пособие / под ред. А. Н. Сухова. – М.: Московский психологосоциальный институт, 2007. – 300
11. Чигринец Е. А. Социальная адаптация осужденных и реабилитация лиц, освобожденных из мест лишения свободы на современном этапе //Аграрное и земельное право. – 2019. – №. 4 (172). – С. 128-131.
12. Qushboqov S., Yetmishboyev M. JAZONI IJRO ETISH MUASSASALARI ISHTIROKIDA TUZILADIGAN FUQAROLIK-HUQUQIY SHARTNOMALARNING MONIYATI VA ANAMIYATI. – 2022.